




O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIY TARAQQIYOT VA KAMBAG'ALLIKNI
QISQARTIRISH VAZHHLIGI


2020 ЙИЛНИНГ ЯНВАР-АВГУСТ ОЙЛАРИДА ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ДИАГНОСТИКАСИ





ИНФЛЯЦИЯНИНГ ЖОРИЙ ДИНАМИКАСИ

Жорий йилнинг январ-август ойларида инфляцион жараёнларнинг шаклланиши «COVID-19» пандемиясига қарши кураш бўйича амалга оширилаётган карантин чоралари сабабли кўп томонлама хусусият касб этиб, бу ўз навбатида товар ва хизматларга бўлган талаб ва таклифнинг ўзгариши ҳамда ахолининг истеъмол хусусиятларига боғлик равишда нарх даражаларида ўз аксини топди.



Манба: Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида

Шундай қилиб, жорий йилнинг август ойида инфляция даражаси 0,5 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос давридаги 2,9 фоизга нисбатан анча паст кўрсаткичга эришилди.

Жорий йил бошидан (январ-август ойларида) инфляция даражаси 4,8 фоизни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан сезиларли даражада секинлашиш кузатилди (8,2 фоиз). Шу билан бирга, август ойида йиллик инфляция даражаси **2017 йилнинг май оидан бери ўзининг энг паст даражасига эришиб, 11,7 фоизни** (2019 йилда 16,5 фоиз) ташкил этди.

2020 йил бошидан истеъмол нархлар индексининг ўсиши мўътадил бўлиб, ўрганилаётган даврда истеъмол нархларининг умумий ўсишида ноозик-овқат товарлари ва хизматлар улушининг сезиларли пасайиши, озиқ-овқат маҳсулотлари улушининг эса сезиларли даражада ўсиши кузатилди.

Умуман олганда, 2020 йилда ички бозордаги нархлар озиқ-овқат маҳсулотлари ва бирламчи эҳтиёж товарларига бўлган юқори талаб даражаси, апрель ойидаги сўмнинг девалвацияси ҳамда мева ва сабзавотлар нархларининг ўтган йилларга нисбатан унчалик юқори бўлмаган мавсумий пасайиши каби омиллар таъсирида шаклланди. Ноозик-овқат маҳсулотлари ва хизматлар нархлари ўсишининг секинлашуви эса, аксинча нархлар умумий ўсишини жиловловчи хусусиятга эга бўлиб, ушбу ҳолат, энг аввало,



карантина даврида иқтисодий фаолликнинг пасайиши билан изоҳланади.

• Озиқ-овқат маҳсулотлари


Жорий йилнинг август ойида озиқ-овқат маҳсулотлар нархлари ўсиши ўртача 0,3 фоиз (2019 йил август ойида 2,3 фоиз) даражасида шаклланди. Бундан ташқари, апрел ойида озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг **3,3 фоизга** кескин ўсишига қарамасдан (2018 ва 2019 йилларнинг мос даврида 1,0 ва 0,3 фоиз), жорий йилнинг 8 ойи давомида озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича инфляция даражаси 5,2 фоизни (2019 йилнинг 8 ойида 7,0 фоиз), йиллик хисобда эса 16,7 фоизни (19,7 фоиз) ташкил этди.

Маълумот учун: озиқ-овқат нархларининг кескин ўсиши асосан декабрь оига хос бўлиб (2018 ва 2019 йилларда 3,2 ва 3,3 фоиз), ушбу ҳолат мева ва сабзавотлар нархларининг мавсумий ўсиши, шунингдек янги йил байрамидан олдин бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ошиши билан тушунтирилади.

2020 йилнинг август ойида кузатилган озиқ-овқат нархларининг йиллик ўсиши умумий инфляция даражаси ва ўтган йилнинг шу давридаги қўрсаткичларга нисбатан юқори бўлди. Шу билан бирга, мева-сабзавотларнинг йиллик инфляция даражасига таъсири камайиб, энг юқори

нарх ўсиш суръатлари гўшт маҳсулотларида кузатилди (йиллик хисобда 18,2 фоиз). Бундан ташқари, Қозогистонда буғдой ҳосилининг пасайиши тегишли товар гурухлари бўйича нархларнинг ўсиши ва жорий йил январь-август ойларида импорт қилинадиган буғдой уни ҳажмларининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 113 минг тоннага (-35%) камайишида ўз аксини топди. Шунингдек, апрель оидан кейин буғдой импортининг ўсиши кузатилди.


Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича инфляцион босимнинг асосий омили **гўшт маҳсулотларининг** нархи бўлиб, ушбу ҳолат асосан гўшт ишлаб чиқариш ҳажмининг барқарор даражада ўсишини таъминлаш учун зарур бўлган озуқа базасининг ривожланмаганлиги сабабли вужудга келган. Шу билан бирга, 2020 йилнинг январь оидан августигача бўлган даврда гўшт ва гўшт маҳсулотлари импортининг 2,0 бараварга (15,6 дан 31,8 минг тоннагача) кўпайиши нархларнинг ўсишини жиловлаш имконини берди.





Маълумот учун: озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўсишининг асосий омили гўшт маҳсулотлари (озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳида унинг улуши 10 фоиз) ҳисобланади. Сўнги уч йил мобайнида гўшт маҳсулотларининг нархи 2,0 баробар ошиди.

**Гўшт маҳсулотлари ўсиш динамикаси
(ўтган ойга нисбатан, фоизда)**



Манба: Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида

• Ноозиқ-овқат маҳсулотлари

Курилиш материаллари, кийим-кечак, ва автомобиллар учун ёқилғи маҳсулотлари каби асосий компонентлар таъсирининг аста-секин қисқариши ҳисобига 2019 йилда ноозиқ-овқат маҳсулотлари бўйича инфляция даражаси пасайди. Миллий валютанинг қадрсизланиши ва божхона тўловлари ставкаларининг қайта кўриб чиқилиши натижасида майший товарлар, электр жихозлари, шахсий гигиена воситалари ва тамаки маҳсулотлари нархининг ўсиши ўсиш трендининг


асосий омиллари ҳисобланади. Аммо, 2020 йил давомида ноозиқ-овқат маҳсулотлари инфляцияси барқарор бўлиб, жорий йилнинг ёз ойларида секинлашди.

Шундай қилиб, август ойида ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўртача 0,8 фоизга ўсиб (2019 йилда 2,1 фоиз), истеъмол нархларининг ўсишига таъсири 0,28 фоиз пунктни ташкил этди. 2020 йил бошидан ноозиқ-овқат маҳсулотлари инфляцияси 4,9 фоиз (2019 йилнинг мос даврида 7,8 фоиз), йиллик ҳисобда эса 8 фоиз (11,5 фоиз) даражасида шаклланди.

Ушбу тенденция мавжуд эпидемиологик вазият туфайли иқтисодий фаолликнинг пасайиши билан изоҳланади. Шунингдек, 2020 йил 1 майдан АИ-80 русумли бензин ва дизель ёқилғиси чакана нархларини давлат томонидан тартибга солиш механизмининг бекор қилиниши ва жаҳон бозорида нефть нархининг пасайиши автомобиль ёқилғиси нархини 6,0 фоизгacha пасайишига сабаб бўлди. Лекин, жорий йилнинг июль оидан бошлаб ҳалқаро бозорларда нефт нархи даражасининг қисман тикланиши август ойида автомобиль ёқилғи нархининг ўртача 2,1 фоизга ўсишига сабаб бўлди ва умумий нарх индексини 0,05 фоизга оширди.



Карантин тадбирларини юмшатилиши туфайли курилиш материаллар нархларида ҳам сезиларли ўсиш кузатилди. Август ойида уларнинг нархи ўртacha 3,9 фоизга ошиб, умумий нарх индексининг 0,13 фоиз пунктга ўсишига туртки бўлди.



Манба: Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида

Ушбу маҳсулотлар гуруҳида энг юқори нарх ўсиши цемент маҳсулотида кузатилиб, унинг нархи бир ойда 17,7 фоизга қимматлашган (йиллик хисобда 44,6 фоиз). Жорий йилнинг апрель-июль ойларида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий этилган вақтинчалик импорт чекловлари натижасида цемент бўйича биржа нархларининг сезиларли даражада ўсиши кузатилди (1,78 марта). Ушбу чораларнинг август ойи охирида

юмшатилиши туфайли нархлар июль ойида кузатилган максимал қийматига нисбатан 24 фоизга пасайди.

• Хизматлар

2019 йилда хизмат кўрсатиш соҳасидаги инфляция даражаси пасайиш тенденциясига эга бўлиб, йил охирига келиб 15,2 фоиз даражасида шаклланди. Бунга коммунал хизматлар, темир йўл транспорти ва алоқа хизматлари тарифларининг нисбатан барқарорлашуви сабаб бўлди.

Аҳолига кўрсатиладиган пуллик хизматлар август ойида ўртacha 0,4 фоизга ошиб, умумий инфляция даражасининг 0,09 фоиз пунктга ўсишига олиб келди. 2020 йилнинг январь-август ойларида хизматлар соҳасидаги инфляция 3,9 фоиз даражасида шаклланиб, (2019 йилда 11,5 фоиз), йиллик хисобда 7,3 фоизни (2019 йилда 18,6 фоиз) ташкил этди. Йўловчи ташиш транспорт хизматлари тарифлари 1,3 фоизга ошиди (хиссаси 0,04 фоиз пункт). Ушбу соҳада тарифлар ўсишининг асосий омили халқаро (8,4 фоиз) ва ички (4,7 фоиз) йўналишлар бўйича йўловчиларни хаво транспорти (чартер рейслари) орқали ташиш тарифларининг ошиши бўлди. Аҳолига кўрсатилаётган майший хизматлар ўртacha 0,8 фоизга қимматлашди (хиссаси 0,03 фоиз пункт).



2020 йил давомида йиллик ҳисобда хизматлар соҳасида нархлар ўсишининг секинлашуви кузатилди ва иқтисодий фаолликнинг секинлашуви, аҳоли даромадларни пасайиши ва тартибга солинадиган нархлар ва тарифларнинг

вақтинчалик ушлаб турилиши натижасида барқарор равишда пасайиб борди.




ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИГА ТАЪСИР ЭТГАН ОМИЛЛАР

- Кредит қўйилмаларининг ўсиши ва пул массаси**

Иқтисодиётда карантин тадбирлари таъсири остида иқтисодий фаолликнинг пасайишига қарамай, кредит қўйилмалари ҳажми дастлабки 7 ой давомида 18,7 фоизга ошди. Кредит қўйилмалари ҳажмининг ошиб бориши натижасида мамлакатда пул массасининг ўсиш суръатларининг тезлашиши кузатилди ва йил бошидан буён умумий пул массаси 15 фоизга ошди.

Ўтган йилларга нисбатан кредит қўйилмалари ўсиш суръатларининг секинлашишига қарамай, кредит қўйилмалари мутлақ қийматларининг ўсиб бориши ва унинг ЯИМ номинал ўсиш суръатига нисбатан тезроқ ўсиши иқтисодиётдаги ялпи талабни шакллантиришда рағбатлантирувчи роль ўйнади.

Тармоқлар кесимида кредит қўйилмалар суръати (фоизда)



Манба: Марказий Банк маълумотлари асосида





Пул массасининг ўзгариш динамикаси (трлн. сўмда)



Манба: Марказий Банк маълумотлари асосида


• Валюта курси

2018 йил бошидан буён валюта курси ўзгариши тенденциялари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, валюта курси динамикасининг шаклланишига асосан ташки омиллар (айниқса, асосий савдо ҳамкор мамлакатлар валюта курсларининг ўзгариши) ва ички омиллар таъсир кўрсатган. Шунингдек, девальвациянинг асосий натижаси хисобланган инфляциянинг ўзи реал валюта курсининг мустаҳкамланиши натижасида девальвацияга олиб келувчи омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, ўрта ва узок муддатли истиқболда меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича таркибий ислоҳотларни амалга ошириш,

маҳсулот таннархини пасайтириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва рақобат муҳитини ривожлантириш, инфляция даражасини камайтириш ва макроиқтисодий барқарорликка эришишнинг асосий омиллари бўлишини кўрсатади.

Миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан ўзгариши (фоизда)



Манба: Марказий Банк маълумотлари асосида

• Инфляцион кутилмалар

Инфляцияга таъсир кўрсатадиган омилларидан яна бири - бу мамлакатда шаклланаётган инфляцион кутилмалардир. Марказий банк томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, аҳолининг озиқовқат, ноозик-овқат маҳсулотлари ва хизматлар нархларининг ўсиш истиқболлари билан боғлиқ инфляцион кутилмалири кўп томонлама хусусият касб этган. Шу тариқа, I-чоракда

аҳолининг инфляцион кутилмалари 15,5 фоиз даражасида шаклланди. Лекин, тадбиркорлик субъектлари анча пессимистик кайфиятга эга бўлиб, миллий валютанинг девальвацияси сабабли инфляция даражасининг янада юқорироқ (18,6 фоиз) бўлишини кутаётганларни маълум бўлган. Жорий йилнинг иккинчи чорагида бирламчи эҳтиёж товарларига талабнинг кескин ошиши ва мамлакатда карантин чораларининг кўлланилиши натижасида апрель ойида инфляцион кутилмалар тренди кескин ўсиш қайд этди, хусusan инфляцион кутилмалар тадбиркорлик субъектлари учун 17,7 фоиз ва аҳоли учун 16,9 фоиз даражасида шаклланди.

Бюджет профицит/дефицит (фоизда)



Манба: Молия Вазирлиги маълумотлари асосида

Инфляцион кутилмалар тренди шуни кўрсатмоқдаки, аҳоли нархларнинг ошишини биринчи навбатда пандемия

оқибатлари ва валюта курсининг девальвацияси билан боғламоқда. Шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг жорий йилдаги инфляцион кутилмалари ноаниқлигича қолмоқда. Инфляцион кутилмаларнинг истиқболлари инқирозли вазиятнинг босқичма-босқич барқарорлашувига боғлиқ бўлади

- **Фискал сиёsat**

Кўриб чиқилаётган давр мобайнида фискал сиёsat асосан бизнес ва истеъмол фаоллигини рағбатлантирувчи ҳусусиятга эга бўлди.


Биринчи ярим йиллик якунларига қўра, консолидациялашган бюджет камомади 8,8 трлн.сўмни ташкил этди. Тиббиёт ва бошқа ижтимоий инфратузилмаларни мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар маълум даражада қурилиш ва унга алоқадор соҳалардаги фаолликни кўллаб-қувватловчи омил бўлди. Бундан ташқари, пандемия даврида қийин вазиятга тушиб қолган аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ҳам кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик имконини берди.



• Ахоли даромадлари

Пандемиянинг иқтисодий оқибатлари натижасида ахоли даромадлари ўсиш суръатларининг вақтинчалик секинлашиши ҳам кузатилди. Энг салбий оқибатлар асосан бир қатор хусусий сектор корхоналарининг фаолиятида сезилган бўлиб, бу ўз навбатида ходимлар сони ва уларнинг маошларининг бевосита камайишига олиб келди.

Ахоли даромадларининг реал ўсиш суръати (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, фоизда)



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида

Жорий йилнинг 1-ярим йиллик якунларига кўра, ахоли умумий даромадларининг ўсиши 1,5 фоизни ташкил этди (2019 йилнинг шу даври учун 7,2 фоиз). Бу эса, ўз навбатида, ахолининг сарф-харажатлари таркибига таъсир кўрсатади ва ахолида харидларга нисбатан эҳтиёткорона ёндашувни юзага келтиради. Шунингдек, карантин чораларининг сақлаб қолиниши озиқ-

овқат ва муҳим турдаги ноозик-овқат товарларга бўлган ахоли талабининг ошишига таъсир кўрсатади, бу эса инфляцион кутилмалар канали орқали нархларга нисбатан муайян босимни вужудга келтиради.

Шундан келиб чиқиб, ахоли даромадларининг камтарона ўсиши истеъмол харажатларининг паст даражада ўсишига олиб келади ва карантин тадбирларини жорий этиш даврида кузатилганидек, бирламчи эҳтиёж товарларига юқори босимни вужудга келтиради. Бундан ташқари, яқин келажакда пандемия оқибатларининг сақланиб қолиши, айниқа ахоли даромадларининг ҳозирги ўсишида эпидемиологик вазиятнинг яхшиланиши ахолининг ҳарид қилиш хусусиятига салбий таъсир кўрсатиши эҳтимолдан холи эмас.





ТАРКИБИЙ ОМИЛЛАР

Инфляциянинг динамикаси таҳлили шуни кўрсатди, сўнгги уч йил ичида айрим товар гурухлари пандемия шароитларидан қатъи назар, ўсиш тенденциясини намойиш қилди. Бу ўз навбатида, жорий инфляция тенденциясининг асосан номонетар хусусиятини белгилайди, бу ерда куйидаги омилларни ажратиш мумкин:

- Паст даражадаги рақобатбардошлик**

Инфляцион босим мавжудлигининг муҳим омилларидан бири рақобатбардош бўлмаган шароитда нархларни эркинлаштиришdir, бу эса ўз навбатида эгилувчан бўлмаган нарх шаклланиши жараёнини вужудга келтиради.

Бу омил нафақат тадбиркорлик субъектларига салбий таъсир қиласи, балки товар ва хизматлар бозорида бозор муносабатларига эришишда тўсиқ бўлади. Бундай шароитда нархлар иқтисодий цикл босқичларига мос равишда тебранишдан тўхтайди ва фақат ўсиб боради.

- Ишлаб чиқариш салоҳиятиинг ривожланмаганлиги**

Бундай омилларга, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш қувватларининг қисқариши ва улардан самарасиз фойдаланилишни киритиш мумкин.

Чунки ушбу омиллар ишлаб чиқариш самарадорлигини пасайишига сабаб бўлади ва ҳаражатларни оширади. Бундай шароитда илгор ва юқори технологияли ускуналарни жорий этиш ва ишлаб чиқаришнинг товар бозорларига боғлиқлигини камайтириш зарурати вужудга келади. Бу ўз навбатида, солиқ имтиёзларини бериш, тўғридан-тўғри инвестициялар оқимини рағбатлантириш, инвесторлар хуқуқларини ҳимоя қилиш ва инфратузилма чекловлари ҳамда маъмурий тўсиқларни камайтириш орқали инвестиция сиёсатини такомиллаштиришни талаб этади.

- Институционал муҳит**

Ва охирги муҳим омил, бу ҳаражатларнинг ошишига ва умуман ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайишига сабаб бўладиган мамлакатдаги институционал муҳитдир. Институционал муҳитни яхшилаш учун тартибга солиш тизимини оптималлаштириш, маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш, коррупцияга қарши курашиш, инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда худудий ва ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятидаги мувофиқликни таъминлаш орқали бизнес юритиш учун қулай муҳит яратиш орқали ҳаракат қилиш зарур.



ХУЛОСА

Юқоридаги барча омиллардан хулоса қилишимиз мумкинки, мамлакатдаги инфляция даражаси номукаммал бозор муносабатлари ва инфляцион жараёнларнинг заиф таркибий тартибга солиниши натижасида шаклланмоқда.

Шунинг учун, инфляциянинг номонетар омилларини янада чуқурроқ тадқиқ қилишга кучли эҳтиёж пайдо бўлмоқда. Монетар омилларининг инфляция даражасига таъсири қисқа муддатли бўлиб, инфляцион жараёнларнинг ривожланишида айнан номонетар омиллар ҳам ҳал қилувчи рол ўйнаяпти деб хисоблаш мумкин. Бу омилларнинг таъсир даражасини аниқлаш қийин, лекин уларнинг аҳамиятини иқтисодий сиёsatни шакллантиришда ҳисобга олиш керак ва инфляцияни жиловлаш бўйича чора-тадбирлар ҳам биринчи навбатда инфляциянинг энг аввало таркибий омилларини таъсирини олдини олишга қаратилиши лозим.

2020 йил охирига қадар инфляция даражасини кутилаётган 11,0% -12,5% прогноз оралиғида сақлаш учун бозор муносабатларини шакллантириш орқали ўрта ва узок муддатли истиқболда нархлар барқарорлиги учун асослар яратишни давом эттириш зарур. Хусусан, ички бозорни эркинлаштириш, рақобат муҳитини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш соҳаларини ислоҳ қилишни тақазо этади. Бу эса, ўз навбатида, паст даражадаги иқтисодиётнинг диверсификацияланиши ва унинг рақобатбардошлигини яхшиланишига, ҳамда инфляциянинг ташқи сектордаги ўзгаришларга таъсирига юқори даражада боғлиқлигини камайтириш имконини беради.

